

## ***II-International Conference of Students and Young Scientists***

определяющее значение имеет своевременное выявление больных туберкулезом, которое обеспечивает результат лечения, а также эффективность социальной и трудовой реабилитации пациентов.

Профилактика туберкулеза имеет социальную направленность, что заключается в проведении в масштабах государства мероприятий экономического и санитарного характера.

**Выводы:** По данным исследования, опубликованного в Международном журнале инфекционных заболеваний в 2019 году, заболеваемость туберкулеза в Казахстане растет с начала 2000-х годов. В исследовании также отмечается, что заболевание становится все более распространенным, причем случаи заболевания регистрируются в районах, где ранее туберкулез встречался редко.

Другое исследование, опубликованное в журнале *Journal of Medical Microbiology* в 2019 году, показало, что туберкулез является значительной проблемой общественного здравоохранения в Казахстане, с высоким уровнем заболеваемости как среди молодых, так и среди пожилых людей. В исследовании отмечается, что заболевание особенно распространено в городской местности, где люди чаще контактируют с инфицированными рядом людьми. Эта тенденция подчеркивает необходимость постоянного наблюдения и мер контроля для предотвращения распространения заболевания.

Таким образом, несмотря на достаточно сложную эпидемиологическую ситуацию, у Казахстана есть возможность добиться прогресса в решении этой задачи путем повсеместного внедрения в стране Международных стандартов по оказанию противотуберкулезной помощи в диагностике случаев туберкулеза и результатов лечения.

### **ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҲОМИЛАДОР АЁЛЛАРНИНГ ОИВ-ИНФЕКЦИЯСИ ҲАҚИДАГИ БОҲАБАРЛИК ДАРАЖАСИНИ ЎРГАНИШ**

**Калниязова Инобатхон Байрамовна** Эпидемиология кафедраси асистенти, ТТА, **Холмонов Дилшод Шухрат ўғли, Сайфиддин Ҳожи Қадриддин 5** – босқич тиббий профилактика ва жамоат саломатлиги факультет талабалари Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент, Ўзбекистон,

**Илмий раҳбар: Раҳманова Жамила Амановна** Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази, Тошкент, Ўзбекистон,

**Ниязова Гулжамила Толыбаевна** Қорақалпоғистон Республикаси ОИТСга қарши курашиш маркази, Қорақалпоғистон, Нукус

**Долзарблиги:** Репродуктив ёшдаги аҳоли қисмининг саломатлиги кўп жиҳатдан демографик ривожланиш динамикасини белилаб беради. Шунинг учун репродуктив саломатликни муҳофаза қилиш давлат демографик сиёсатини ривожлантиришнинг янги йўналишидир. ОИВ-инфекциясининг жиддий оқибатлари ва ўз касбий фаолиятини бажаришда муқаррар ижтимоий кескинликни ҳисобга олган ҳолда, тиббиёт ходимларининг ОИВ-инфекцияси тарқалиши ва олдини олиш бўйича хабардорлигини оширишга қаратилган тадбирлар алоҳида аҳамиятга эга. Баъзи тадқиқотчилар соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасалари ходимлари учун «ОИВ-инфекцияси» мавзусида даврий ўқитиш имкониятларини кенг таъминлаш, жумладан замонавий таълим технологиялари, тренинг, профилактика ва ижтимоий-психологик жиҳатлар бўйича муҳокамалар, шу жумладан ОИВ билан яшайдиган одамларни стигма қилиш даражасини пасайтиришга қаратилган чора-тадбирларни кучайтириш кераклигини таъкидлайди. Ҳар қандай эпидемик жараён жамиятда кескинликни, хавотирни келтириб чиқаради, шунинг учун нафақат аҳоли орасида доимий ахборот алмашинуви ва маърифий ишларни олиб бориш, балки, ОИВ-инфекцияси бўйича тиббий-ижтимоий соҳада ишлайдиган мутахассисларнинг малакасини ошириш зарурлигини таъкидлайди. Уларнинг ўз билим ва кўникмаларига бўлган ишончи тушинтириш ишларининг самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин деб ҳисоблайди. ОИВ-инфекцияси билан касалланган беморлар билан мулоқотда ижтимоий кескинликни пасайтириш ва аҳоли, биринчи навбатда ёш авлод саломатлигини асраш бўйича тиббий-ижтимоий чора-тадбирлар сифатини оширишга эътибор қаратишга ундайди.

**Тадқиқотнинг мақсади:** ОИВ-инфекцияси билан касалланган ва ОИВ аниқланмаган ҳомиладор аёллар орасида ОИВ-инфекцияси ҳақида хабардорлик даражасини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг материаллари:** Қорақалпоғистон Республикаси ОИТСга қарши курашиш марказида 2011-2021 йилларда диспансер назоратидаги ОИВ-инфекцияси билан касалланган 50 нафар ҳомиладор аёллар ва 2022-йил август ойида Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази Қорақалпоғистон Республикаси филиалида рўйхатда турган ОИВ-инфекцияси аниқланмаган 150 нафар ҳомиладор орасида ўтказилган сўровнома натижаларидан иборат.

## *II-International Conference of Students and Young Scientists*

**Тадқиқотнинг усуллари:** эпидемиологик ва статистик усуллардан фойдаланилди.

**Натижалар:** ОИВ-инфекциясининг бирламчи профилактикасига биринчи навбатда ҳомиладор аёллар ва никоҳланувчиларни ОИВ-инфекциясининг юқиш йўллари ва профилактикаси бўйича бохабарлигини мунтазам ошириб бориш; хавфсиз жинсий ҳаёт ва аборт асоратларини, шунингдек жинсий йўл билан юқадиган касалликларнинг олдини олиш бўйича мунтазам тушинтириш ишларини олиб боришдан иборат. Шунинг учун ҳомиладор аёлларнинг ОИВ-инфекциясининг юқиш йўллари, эпидемик жараёнга таъсир қилувчи хавф омиллари, профилактикаси бўйича хабардорлик даражасини аниқлашни мақсад қилдик. Тадқиқотни олиб боришда жами сўровномага 200 нафар ҳомиладор аёллар ўз хоҳиши билан ихтиёрий қатнашиб, индивидуал ва гуруҳларга бўлинган ҳолда давра суҳбатида ёзма равишда олиб борилди. Сўровномада ОИВ-инфекциясининг юқиш йўллари ва профилактикасига оид саволлардан ташқари ҳомиладор аёлларнинг ёши, маълумоти, касби, ҳомиладорлик сони ҳам ўрганилди. Ушбу тадқиқотда 17-45 ёшдаги аёллар иштирок этди. Тадқиқотда иштирок этган иккала гуруҳдаги аёлларнинг ёши ўртача 21-30 ёшни ташкил этади.

Сўровномада ҳомиладор аёлларнинг ОИВ инфекцияси ҳақида хабардорлик даражасини аниқлаш учун «ОИВ-инфекцияси ҳақида биласизми?» саволи берилди. ОИВ-инфекцияси билан касалланган ҳомиладор аёлларнинг  $86,0 \pm 5,0\%$  ўзидаги касаллик ҳақида тўлиқ маълумотга эга эканлиги аниқланди. Аммо  $10,0 \pm 4,3\%$  қисман ва  $4,0 \pm 2,8\%$  касаллик ҳақида билмаслигининг сабаби ўрганилганида беморлар ўзларидаги ҳеч қандай клиник белгилари кузатилмаганлигини айтишди. ОИВ-инфекцияси аниқланмаган респондентларнинг  $78,7 \pm 3,4\%$ да юқиш йўллари ва профилактика чоралари тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлмаганлиги боис «Билмайман» деб жавоб беришди. Шу ўринда айтиш жоизки ҳозирги замонавий тараққиёт даврида интернет ижтимоий тармоқлари уларнинг асосий тиббий таълим манбаси бўлишига қарамасдан ҳомиладор аёллар юқиш йўллари бўйича қисман тўғри жавоб беришди бўлса, клиник кечиши ва касалликнинг оқибатлари ҳақида умуман маълумотга эга эмаслиги аниқланди. ОИВ-инфекцияси аниқланмаган респондентларнинг атиги  $4,0 \pm 1,6\%$  тўлиқ хабардор эканлигини айтишди, бу ҳомиладор аёлларнинг барчаси олий маълумотга эга эканлиги маълум бўлди ( $p < 0,001$ ).

**Хулоса:** Тадқиқотда ОИВ-инфекцияси аниқланмаган соғлом ҳомиладор аёлларда ОИВ-инфекциясининг юқиш йўллари ва профилактикаси бўйича хабардорлик даражасининг пастлиги аниқланди. ОИВ-инфекцияси

## ***II-International Conference of Students and Young Scientists***

профилактикасининг асосий йўналиши касаллик ҳақида хабардорлигини оширишдир. ОИВ/ОИТС муаммоси ҳақида ўз вақтида хабардор бўлиши, бирламчи профилактиканинг изчиллиги ва узлуксизлиги, тиббий-ижтимоий мониторинг ва жамоат ташкилотлари (маҳаллалар, фуқаролик ҳолатларида далолатномалар ёзиш (ФХДЁ), миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмаси)ни жалб этган ҳолда идоралараро ёндошув ОИВ-инфекцияси тарқалишининг камайтиради.

### **QIZAMIQ KASALLIGIDA EMLANISH TAHLILI VA SAMARADORLIGI.**

**Karimjonov F.F.** - FJSTI epidemiologiya yo'nalishi 1-kurs ordinatura talabasi, Farg'ona, O'zbekiston

**Ilmiy rahbar: Mamatqulova M.T.** - FJSTI Epidemiologiya kafedrasida katta o'qituvchisi, Farg'ona, O'zbekiston.

**Mavzuning dolzarbligi.** Qizamiq – viruslar keltirib chiqaradigan, yuqori kontagioz yuqumli kasallikdir. Dunyo miqyosida, ushbu infeksiyaga qarshi xavfsiz va samarali vaksinalar mavjudligiga qaramay, xanuzga qadar mazkur kasallik bolalar o'limining asosiy sabablaridan biri bo'lib qolmoqda. Qizamiqdan o'lim xolatlarining 95% dan ko'prog'i aholisi kam daromadli va zaif infrastrukturaga ega mamlakatlarda qayd etilmada. Qizamiqning og'ir ko'rinishlari aksariyat to'yib ovqatlanmaydigan, ayniqsa, ovqat tarkibida A vitamini yetishmaydigan bolalarda hamda zich (tiqilinch) sharoitda yashovchi, shuningdek, OIV infeksiyasi yoki boshqa kasalliklar oqibatida immun tizimi zaiflashib qolgan shaxislar o'rtasida kuzatiladi.

Qizamiq kasalligi sog'lom odamga, infeksiya yuqqan shaxs bilan muloqot paytida, bemor aksirishi yoki yutalishi kabi xolatlar natijasida xavo-tomchi yo'li orqali yuqadi. Qizamiq bilan kasallangan kishilar kasallik simptomlari pado bo'lgunga qadar xam va undan keyinxam bir necha kun davomida boshqa odamlarga virusni yuqtirishlari mumkin. Bu kasallik chaqaloqlar va bolalar ko'p to'planadigan joylarda, masalan, maktabgacha bolalar muassasalarida, tibbiyot muassasalari yoki maktablarda osonlik bilan tarqaladi. Kasallikning dastlabki belgisi, qizamiq virusi yuqqandan keyin taxminan 10-12 kun o'tgach paydo bo'luvchi va bir necha kun davom etuvchi yuqori tana harorati hisoblanadi. Bu davirda bemorda burun bitishi, yo'tal, ko'z qizarishi va yoshlanishi kuzatilishi mumkin, shuningdek, yanoqlar ichki yuzasida mayda oq dog'lar (koplik dog'lari) paydo bukadi. Virus yuqqandan keyin 7-18 kun o'tgach, odatda, bemorning yuzida